

## Яъқуб ибн Суфённинг каромати



08:00 / 22.07.2020 1981

Ибн Асокир Яъқуб ибн Суфёндан ривоят қилади: «Сафарда бўлсам, кечаси чироқ нурида китоб ёзиб ўтирар эдим. Бир куни кечаси ёзиб ўтирган эдим, кўзимга бир нарса кириб кетди. Чироқ ёниб турган бўлса ҳам кўра олмайдиган бўлиб қолдим. Кўзим кўрмай қолгани, ҳадис ёза олмай қолганим, Ватандан узоқда бўлганим учун ғам чекиб, йиғлай бошладим. Сўнг ухлаб қолибман. Тушимда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрдим. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сенга нима бўлди?» дедилар. Ватандан узоқдалигим, ҳадис ёза олмай қолганимдан шикоят қилдим. У зот: «Яқинроқ кел», дедилар. Яқинларига борган эдим, қўлларини кўзимга қўйиб, Қуръондан ўқий бошладилар. Уйфонсам, кўзим яна кўра бошлабди. Ўтириб, Аллоҳга тасбеҳ айтдим».

**«Солиҳлар гулшани» китобидан**